

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЮНБАЕВ ШИНПОЛАТ МАНСУРАЛИЕВИЧ

МАГИСТРАЛ ВА САНОАТ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯЛАРИДА
МАНЕВР ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТРАНСПОРТ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract Doctoral (DSc) Dissertation

Суёнбаев Шинполат Мансуралиевич

Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш транспорт жараёнларининг инновацион технологиялари.. 3

Суёнбаев Шинполат Мансуралиевич

Инновационные технологии транспортных процессов в организации маневровой работы на магистральных и промышленных железнодорожных станциях 29

Suyunbaev Shinpolat Mansuralievich

Innovative technologies of transport processes in the organization of shunting work at main line and industrial railway stations 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 60

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
РЎД.15/30.12.2019.Т.73.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

СУЮНБАЕВ ШИНПОЛАТ МАНСУРАЛИЕВИЧ

**МАГИСТРАЛ ВА САНОАТ ТЕМИР ЙЎЛ СТАНЦИЯЛАРИДА
МАНЕВР ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТРАНСПОРТ
ЖАРАЁНЛАРИНИНГ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ**

05.08.03 – Темир йўл транспортини ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.DSc/T421 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация Тошкент давлат транспорт университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tstu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Арипов Назиржан Мукарамович техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Ибрагимов Назрилла Набиевич техника фанлари доктори, профессор Даусентов Ерген Балгаевич техника фанлари доктори, профессор Севинов Жасур Усмонович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат транспорт университети ҳузурдаги PhD.15/30.12.2019.T.73.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2022 йил 10 ноябрь соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-00-01; факс: (99871) 293-57-54; e-mail: rektorat@tstu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат транспорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (069 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100167, Тошкент ш., Темирийўлчилар кўчаси, 1-уй. Тел.: (99871) 299-05-66.

Диссертация автореферати 2022 йил 28 октябрь куни тарқатилди.
(2022 йил 27 октябрдаги 001 рақамли реестр баённомаси).

Ж.Ф. Курбанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д. (DSc), доцент

А.М. Мерганов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

Д.Х. Баратов
Илмий даражалар берувчи илмий
семинар раиси, Тошкент давлат транспорт университети
т.ф.д. (DSc), доцент



КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда темир йўл транспортини модернизация қилиш ва локомотивлар паркени кам харажатли техник воситаларга алмаштириш оркали ҳаракат таркибларидан фойдаланиш сифати, ишончлилиги ва самарадорлигини ошириш асосида уларнинг ишлаш фаолиятини тезкор режалаштириш ҳамда ёқилғи сарфини бошқариш услулларини ишлаб чиқиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Жаҳон миқёсида "... магистрал ва манёвр тепловозларни техник эскиришининг ўртача даражаси 80 фонздан ортганлиги ҳамда локомотив нархининг юқорилиги ва у 2,5 млн. евродан ошиб кетганлиги...¹, ... транспортда ташиш ишларида йилига 2,1 млрд. евро ёқилғи учун сарфланишини...² эътиборга олиб, манёвр ишларини ташкил этишнинг транспорт жараёнларида замонавий ахборот технологиялари ва автоматлаштирилган бошқарув тизимларини жорий этиш зарурати туғилади. Шу нуқтаи назардан, магистрал ва саноат темир йўл станцияларининг ишлаш хусусиятидан келиб чиқиб, манёвр ишларидаги технологик жараёнларни бажариш вақти ва ундаги ёқилғи сарфини меъёрлаш асосида тортув бирликларидан оқилона фойдаланиш бўйича тезкор қарорлар қабул қилиш имконини берувчи ёқилғи-энергия ресурсларини тежаш техник воситалари ва инновацион технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дунёда тортув ҳаракат бирликларини бошқариш ва улардан фойдаланиш тизимларини такомиллаштириш, манёвр амалларини бажариш давомийлигини кискартириш, йўлларни ривожлантириш схемаларини яхшилаш, темир йўл станцияларини замонавий автоматика ва телемеханика воситалари билан жиҳозлашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, илм-фан ва ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда замонавий илмий усуллар асосида турли хил манёвр ишларини бажаришда ёқилғи сарфини камайтириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, манёвр ишларидаги ёқилғи сарфининг илмий асосланган меъёрини белгилаш усуллари ва автоматлаштирилган тизимларини ҳамда транспорт масалаларини ечиш асосида юк объектларига тартиблштирилган тарзда хизмат кўрсатиш имконини берувчи дастурий таъминотини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Республикамизда турли транспорт соҳаларини ривожлантириш, шу жумладан, темир йўл транспорти тизимининг қуввати ва манёвр қобилиятини кучайтириш, ҳаракат тезлигини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш борасида кенг қўламли чора-

¹ <https://www.dissercat.com/content/teoreticheskie-osnovy-i-metodologiya-vybora-obemov-i-tehnologii-modernizatsii-teplovozov>.

² <https://www.dissercat.com/content/razrabotka-metodov-stabilizatsii-itsilindrovyykh-moshchnosti-dizelya-na-rezhime-kholostogo>.

тадбирлар амалга оширилиб, бу борада муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан, “Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш ..., транспорт ва логистика хизматлари бозори ва инфратузилмасини ривожлантириш ..., транспорт соҳасида ташки савдо учун “яшил коридорлар” ҳамда транзит имкониятларини кенгайтириш ..., хавфсизлик, савдо-иктисодий, сув, энергетика, транспорт ва маданий-гуманитар соҳалардаги яқин ҳамкорликни сифат жиҳатидан юқори босқичга олиб чиқиш”² бўйича муҳим мақсадлар белгилаб берилган. Ушбу мақсадларга эришишда, жумладан, манёвр рейсларини бажариш давомийлигини аниқлаш, тортув ҳаракат таркибинини тезкор тартибга солиш, манёвр локомотивлари орқали юк объектларига тартиблаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш усуллари, алгоритмлари ва инструментал воситаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалий масалаларни ечиш асосида ҳар бир рейс ва ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда манёвр ишларини бажаришдаги ёқилги сарфини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони, 2017 йил 2 декабрдаги “2018-2022 йилларда транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш ва юк ташишнинг ташки савдо йўналишларини диверсификациялаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3422-сонли, 2019 йил 22 августдаги “Иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4422-сонли, 2020 йил 10 июлдаги “Иқтисодийнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодий тармоқларининг ёқилги-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4779-сонли Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг: II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик”, ИТД-3 – “Энергетика, энергия, ресурс тежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” каби устувор йўналиши доирасида бажарилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш бўйича назарий ва амалий тадқиқотлар етакчи мамлакатларнинг илмий марказлари, университет ва илмий-тадқиқот институтларида, жумладан: Washington State University (АҚШ), Newcastle Centre for Railway Research University (Буюк Британия), Curtin University of Technology (Австралия), University of Belgrade (Сербия), Beijing Jiaotong University (Хитой), Indian Institute of Technology Kharagpur (Ҳиндистон), Technische Universitat Carolo-Wilhelmina zu Braunschweig (Германия), Россия транспорт университети (Россия), Петербург давлат темир йўл университети (Россия), Днепрпетровск миллий темир йўл транспорти университети (Украина), Белоруссия давлат транспорт университети, Логистика ва транспорт академияси (Қозоғистон), Тошкент давлат транспорт университети (Ўзбекистон) ва бошқаларда кенг кўламда олиб борилмоқда.

Манёвр ишларини ташкил этишдаги транспорт жараёнлари технологияларини такомиллаштириш бўйича дунёда олиб борилаётган тадқиқотлар асносида бир қатор илмий натижаларга эришилган, хусусан манёвр локомотивларининг ёқилғи пуркаш тизимлари модернизация қилинган (Ҳиндистон), магистрал ва саноат темир йўлларининг қайта ишлаш қобилиятини оширишга доир тизимлар такомиллаштирилган (Канада), вагонларни юк объектларига етказиб бериш учун локомотивлар жорий этилган (Россия), ортиш-тушириш ишларида оморхона ёки конвейер йўлагига вагонларни суриб бериш учун тортув агрегатлари ишлаб чиқилган (Белоруссия), манёвр локомотивларининг энергия сарфини камайтириш учун куёш энергиясидан фойдаланиш тизимлари яратилган (АҚШ, Хитой).

Жаҳонда магистрал ва саноат темир йўл станцияларидаги манёвр ишларида ёқилғи истеъмоли самарадорлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларнинг ечимини топишга қаратилган бир қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда: ёқилғи сарфини мониторинг қилиш ва баҳолаш усулларини такомиллаштириш, манёвр локомотивларини бошқаришда сунъий интеллектга асосланган усуллардан фойдаланиш, турли хил тортиш кучига эга бўлган тортув ҳаракат таркибларини ишлаб чиқиш, ортиш-тушириш ишларида вагонларнинг туриб қолиш вақтини камайтиришга оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш назариясини ишлаб чиқиш бўйича жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан, В.И. Бобровский, А.Т. Осминин, И.Н. Шапкин, Т.А. Нечай, Д.В. Железнов, М.И. Арпабеков, А.В. Харитонов, П.А. Шелест, И.Я. Сковрон, Д.А. Сивицкий, А.В. Рожков,

³ <https://wsu.edu/>, <https://www.ncl.ac.uk/newrail/people/sg/>, <https://www.bg.ac.rs/en/>, <http://en.njtu.edu.cn/>, <https://www.curtin.edu.au/about/history-facts/history/curtin-university-of-technology/>, <http://www.iitkgp.ac.in/>, <https://www.tu-braunschweig.de/>, <https://rut-miit.ru>, <http://www.pgups.ru/>, www.dit.edu.ua, <https://www.bsut.by/>, <https://alt.edu.kz/>, <https://istu.uz>

Alex Landex, Anders H. Kaas, Sten Hansen, Xu Xiaoming, Keping Li, Xiaoshan Lu, Boysen Nils, Malte Fliedner, Florian Jaehn, Erwin Pesch va бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Ортимизда бир қатор олимлар юк поездлари ҳаракатини ўзгармас график асосида ташкил этиш, вагонлар оқимини ташкил этишда тезкор режалаштириш, темир йўл автоматика ва телемеханикасининг замонавий қурилмалари, шунингдек автоматлаштирилган бошқариш тизимларини ривожлантириш ҳисобига темир йўл транспортини ишлатиш кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадқиқотлар олиб борган. Жумладан Р.З. Нурмухамедов, С.М. Джумабаев, Э.Т. Туйчиев, К.Т. Худайберганов, Н.М. Арипов, Н.Н. Ибрагимов, М.Х. Расулов, Д.Х. Баратов, Ж.Ф. Курбанов, Д.И. Илесалиев, З.Г. Адилова ва бошқалар бу соҳада турли йилларда ўз тадқиқотлари асосида ижобий натижаларга эришганлар.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, кўп погонали мураккаб илмий-техник вазифа ҳисобланган магистрал ва саноат темир йўл станцияларидаги манёвр локомотивларининг ёқилги истеъмолини меъёрлашнинг автоматлаштирилган бошқарув тизимларини яратиш ва тортув ҳаракат таркиблари ишини тезкор режалаштириш билан боғлиқ илмий муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида магистрал ва саноат темир йўл станцияларидаги манёвр ишларини ташкил этишда ҳаракат таркиблари ва технологик жараённинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, ёқилги сарфининг илмий асосланган меъёрини белгилашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш, тортув ҳаракат таркибларидан оқилона фойдаланиш усулларини ва улар асосида манёвр ишларидаги технологик жараёнларни бошқариш имконини берувчи дастурий таъминотлар кўринишидаги инструментал воситаларни ишлаб чиқиш тақлиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат транспорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган А-3-055-сонли “Ўзбекистонда истикболли ва тезкор темир йўл автоматика ва телемеханика қурилмаларини ҳисобга олиш ва назорат қилишни автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш” (2017 й.), ЁБВ-Атех-2018-223-сонли “Идиш-донали юкларни пакетлаб ташишни ташкил этиш усули” мавзусидаги давлат грантлари ҳамда 127/08-ТО-сонли “НКМҚни Шимолий Рудабошқармаси темир йўл цехи “Марказий руда” станцияси ишининг технологик жараёнини ишлаб чиқиш” (2011 й.), 2303-01/03/06/2019-сонли “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖни янги логистик маркази терминалларининг қайта ишлаш қобилятини тадқиқ этиш” (2019-2020 й.), 832-01/03/06/2020-сонли “Ўзбекистон металлургия комбинати” АЖнинг темир йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳасини ишлаб чиқиш” (2020 й.), №47-сонли “Самарқанд кимё комплексининг ортиш-тушириш, қабул қилиш-жўнатиш йўллари, перегонларини ривожлантириш ва тортув ҳаракат таркибларидан самарали

фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш” (2022 й.) мавзусидаги хўжалик шартномалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш транспорт жараёнларининг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва уни амалий қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалаларини тадқиқ этиш;

темир йўл станцияларида манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилги миқдорини ҳисоблашнинг усули, алгоритми ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш;

темир йўл станцияларида манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган ёқилги миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва амалий қўллаш;

иш ҳажми ва турига боғлиқ равишда манёвр локомотивларини станцияларга бириктириш ва уларнинг рационал турини танлаш доирасини асослаш назариясини ривожлантириш;

темир йўлларнинг асосланган лойиҳасини ҳисобга олган ҳолда поезд таркибидаги вагонлар гуруҳини иккита йўналишга ажратиш бўйича манёвр ишларини самарали бажаришнинг техник ечимларини ишлаб чиқиш;

туриб қолиш вақтларини минималлаштириш учун “Тарқалиш ва чегаралар” усули асосида манёвр локомотивлари ишини тезкор режалаштиришнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

заҳира босиб ўтиш йўлини минималлаштириш учун транспорт масаласини ечиш асосида манёвр локомотивлари ишини тезкор тақсимлаш усулларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида магистрал ва саноат темир йўл станциялари ҳамда манёвр локомотивлари хизмат кўрсатувчи темир йўл шохобча йўллари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида замонавий ахборот технологиялари асосида темир йўл станция ва шохобча йўлларида манёвр ишларини самарали ташкил этиш ҳамда тортув бирликлари ҳаракатини тезкор режалаштириш усуллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, Тарқалиш ва чегаралар, Коммивояжер, Симплекс, комбинаторика, имитацион ва математик моделлаштириш, математик статистика, энг кичик квадрат усуллари, Ньютон қонуни, ҳаражатлар ставкаси, графлар ва алгоритмлар назариясидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

манёвр рейсларини бажаришга сарфланадиган вақтни аниқлаш усули вагонларнинг ҳисобий параметрларидан келиб чиққан ҳолда тортув бирликлари таркибининг ҳаракатига солиштирма қаршилик ва нишабликнинг қаршилиги таъсирини ҳисобга олиб такомиллаштирилган;

ажратиш пунктларидаги иш ҳажми ва турини эътиборга олиб манёвр локомотивлари паркини янгилаш зарурати устувор станцияларни танлаш ва улардаги тортув ҳаракат таркиблари мақбул турини ажратиш олиш ва техник-иқтисодий асослашнинг янги ёндашуви ишлаб чиқилган;

поезд таркибидаги узилмаларни кетма-кет жойлашганлиги ва сонини ҳисобга олган ҳолда станция йўлларининг мақбул схемасини танлаб олиш асосида вагонлар гуруҳини иккита йўналишга ажратиш бўйича манёвр ишларининг инновацион технологияси ишлаб чиқилган;

локомотивларни ишларнинг кутишини минималлаштириш ва йўл-йўлакай маршрутларни бирлаштириш имкониятини эътиборга олиб темир йўл станцияларидаги манёвр локомотивлардан унумли фойдаланишни режалаштиришнинг математик модели ишлаб чиқилган;

темир йўл станцияларидаги тортув ҳаракат таркибларини тезкор таксимлашнинг илғор усули манёвр локомотивларининг захира юришини минималлаштириш ва самарали қарор қабул қилишни автоматлаштириш имкониятини эътиборга олиб ишлаб чиқилган;

станциялардаги манёвр локомотивлари билан юк объектларига тартиблаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш усули узатишлар графигини режалаштириш ва локомотивларнинг фойдали иш кўрсаткичларини ҳисобга олиб ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилги миқдорини ҳисоблаш, манёвр локомотивлари ишини тезкор таксимлаш ва улар томонидан юк объектларига хизмат кўрсатиш навбатини танлаш алгоритмлари ва дастурий мажмуалар кўринишидаги инструментал воситалари ишлаб чиқилган;

темир йўл станциялари йўл хусусиятлари, таркиб оғирлиги, иқлим шароитлари ва локомотив туридан келиб чиққан ҳолда манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилги миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган;

муайян станцияга тааллуқли бўлган манёвр ишларини бажаришга доир янги ишлаб чиқилган зарурий қўшимча кўрсатмалар “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл станцияларининг техникавий-бошқарув далолатномасини тузиш бўйича Йўриқнома”нинг 3-боби ва иловасига киритилган (“ЎТЙ” АЖнинг 05.03.2021 йилдаги 239-Н-сонли буйруғи);

ўзгарувчан ва ўзгармас графиклар асосида поездларни тузиш технологик жараёни хусусиятларининг ўзгаришларини ҳисобга олиб, саралаш парки йўлларидан оқилона фойдаланиш ва саралаш навбатини танлаш бўйича комплекс амалий тадбирлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усуллар ва қонунлар асосида назарий тадқиқотлар олиб борилганлиги, ишлаб чиқилган математик модел ва дастурлар асосида олинган манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилгини

хисобий кийматларининг тажриба маълумотлари билан мувофиқлиги, тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти темир йўл станцияларида бажариладиган манёвр ишларининг тури, хизмат кўрсатиш устуворлиги, об-ҳаво шароитлари, йўл ва ҳаракат таркибларининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёқилғи сарфини индивидуал равишда меъёрлаш, тортув ҳаракат таркиблари билан таъминлаш назариясининг такомиллаштирилганлиги, манёвр ишларини ташкил этишда локомотивлардан фойдаланишни режалаштириш усулларининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда манёвр локомотивлари билан юк объектларига тартиблаштирилган тарзда хизмат кўрсатишдаги илмий-назарий асослар, моделлар ва алгоритмлар олинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти юк объектларига хизмат кўрсатиш бўйича қўшимча талабларнинг ““Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл станцияларининг техникавий-бошқарув далолатномасини тузиш бўйича Йўриқнома”га киритилганлиги, манёвр ярим рейсларига сарфланадиган вақт ва ёқилғи миқдорини меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизими ҳамда юк объектларига манёвр локомотивлари томонидан хизмат кўрсатиш кетма-кетлигини аниқлаш ва тортув ҳаракат таркиблари ишини тезкор таксимлашнинг инструментал воситалари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш транспорт жараёнларининг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақтни аниқлаш усули, манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилғи миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизими, таркибларни тарқатиш навбатини танлаш бўйича комплекс амалий тадбирлар “Тошкент Минтақавий темир йўл узели” Унитар корхонасига жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2022 йил 1 июлдаги 07/2309-22-сонли маълумотномаси). Натижада ёқилғи сарфини меъёрлаш ва назорат қилишда инсон омилни камайтириш, ёқилғини меъёрдан ортиқ ишлатишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш орқали ёқилғи сарфини 6% га камайтириш, ўзгармас ва ўзгарувчан график шароитида юк поезди таркибини тўлдириш, саралаш парки йўлларининг бандлигини камайтириш ва вагонларнинг туриб қолиш вақтини 7% га қисқартириш ва бир йилда 87,5 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган;

муайян станцияга тааллуқли бўлган манёвр ишларини бажаришга доир янги ишлаб чиқилган зарурий қўшимча кўрсатмалар “Ташишларни ташкил этиш” бошқармасида ““Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл станцияларининг техникавий-бошқарув далолатномасини тузиш бўйича

Йўриқнома”ни ишлаб чиқишда қўлланилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖНинг 2022 йил 1 июлдаги 07/2309-22-сонли маълумотномаси). Натижада шохобча йўлларига хизмат кўрсатиш ва ҳаракатни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тизимлаштирилган тартибда тузиш имконини берган;

вагонлар гуруҳини иккита йўналишга ажратиш бўйича манёвр ишларини бажаришнинг технологик ечимлари, темир йўл станцияларидаги манёвр локомотивларидан фойдаланишни режалаштиришнинг математик модели, темир йўл станцияларидаги тортув ҳаракат таркибларини тезкор тақсимлаш ва юк объектларига тартиблаштирилган тарзда хизмат кўрсатиш усуллари “Логистикани ривожлантириш ва рақамлаштириш бош бошқармаси”га жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖНинг 2022 йил 1 июлдаги 07/2309-22-сонли маълумотномаси). Натижада вагонларнинг темир йўл объектларига узатилишни кутиш вақтини камайтириш, вагонларни иккита гуруҳга жамлаш вақтини 15% га, манёвр локомотиви босиб ўтадиган йўлни 24% га ва юк фронтлариаро юриш масофасини 13% қисқартиришга эришилган ҳамда манёвр локомотивлари юкланганлигини, бўш юриш вақти ва масофасини камайтириш, манёвр локомотивлари ҳаракатини ташкил этиш бўйича тезкор қарор қабул қилиш имкони яратилган;

манёвр локомотивлари паркинни янгилаш зарурати устувор бўлган станцияларни танлаш ва улардаги тортув ҳаракат таркибларининг мақбул турини ажратиб олиш ва техник-иктисодий асослашнинг янги ёндашуви “Темир йўл цехи”га жорий қилинган (“Ўзметкомбинат” АЖНинг 2022 йил 1 июлдаги 01/06-01/04-238-сонли маълумотномаси). Натижада иш ва йўл хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тортув ҳаракат таркибларининг мақбул турини танлаш бўйича техник-иктисодий асосланган қарор қабул қилиш ҳамда кутилаётган юк ҳажмидан келиб чиққан ҳолда темир йўл инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳисобидан кутилаётган иктисодий самарадорлик 832,0 млн. сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 28 та илмий-амалий анжуманлар, шу жумладан 2 та Scopus базасидаги илмий анжуманда, 16 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 54 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 3 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақолалар, жумладан 12 та республика ва 3 та чет эл илмий журналларида ҳамда 4 та Scopus базасига кирувчи тўпламларда нашр этилган, 14 та ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар базасига гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети ифодаланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, диссертация тадқиқоти натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилиниши ҳамда синов натижалари кўрсатилган, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг **“Темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва уларнинг самарадорлигини ошириш масалалари”** деб номланган биринчи бобида темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этишнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиши таҳлил қилинган, манёвр ишларини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибалар ва илмий ишлар ўрганилган ҳамда манёвр ярим рейсларига сарфланадиган вақт ва ва ёқилги миқдорини меъёрлашнинг мавжуд усуллари тадқиқ этилган.

Магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш транспорт жараёнларининг таҳлили натижасида манёвр ишларига сарфланадиган вақт ва ёқилги сарфини меъёрлаш усуллари ишлаб чиқилмаганлиги (манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган ёқилги миқдорини меъёрлаш тажриба ўтказиш йўли билан амалга оширилиши), смена давомида бажарилган ярим рейслар маршрут варағида тегишли ходимлар томонидан қайд этилиши, манёвр локомотивлари сонини белгилаш, турини танлаш ва уларни бириктириш тартиби тегишли техник-иктисодий асосларсиз амалга оширилиши, юк станцияларида таркибдаги вагонларни йўналишлар бўйича жойлаштириш тегишли ходимларнинг тажрибаси асосида амалга оширилиши, саралаш паркида юк поездлари таркибини тўлдириш бўйича манёвр ишларини ташкил этиш технологияси мавжуд эмаслиги, манёвр локомотивлари ишини тезкор тақсимлаш технологик жараёнларига рақамлаштириш тизимлари етарлича жорий этилмаганлиги аниқланган. Булар, ўз навбатида, манёвр ишларига ҳар ой лимитдан ортиқ ёқилги сарфланишига олиб келган (1-расм).

Темир йўл станцияларида бажариладиган манёвр ярим рейсига сарфланадиган вақтни меъёрлаш 2006 йилда ишлаб чиқилган “Темир йўл станцияларида бажариладиган манёвр ишларининг вақт меъёрлари”да келтирилган ифода асосида амалга оширилади. Тадқиқот жараёнида ушбу ифода, нол (текислик) ва хақиқий профил бўйича тортув ҳисоблари асосида манёвр ярим рейсига сарфланадиган вақт аниқланган (1-жадвал).

Турли профилларда олинган 1-жадвалдаги натижалари орасидаги фарқлардан кўриниб турибдики, мавжуд меъёрдаги ифодага мувофиқ аниқланган вақт фақат нол профилга эга бўлган йўлларда етарлича

аникликдаги натижани беради, ammo ҳақиқий профил бўйича манёвр ярим рейсига сарфланадиган вақт давомийлигини ҳисоблашда тегишли ифодага ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.



1-расм. “ЎТЙ” АЖнинг “Ўзбекистон” депосида манёвр ишлари учун бир ойлик ёқилги сарфини таҳлил қилиш натижалари

1-жадвал

Манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақт миқдорини мавжуд усуллар бўйича ҳисоблаш натижалари

T/p	Манёвр тезлиги, км/соат	Тегишли меъёрдаги ифодага мувофиқ аниқланган вақт, дак.	Тортув ҳисоблари асосида йўлнинг нол профили бўйича аниқланган вақт, дак.	Тортув ҳисоблари асосида йўлнинг ҳақиқий профили бўйича аниқланган вақт, дак.
1	10	38,2	38,8	41,3
2	15	25,9	26,3	29,2
3	20	20,0	19,2	24,3
4	25	16,5	16,7	21,1

Юқоридагилар, магистрал ва саноат темир йўл станцияларида манёвр ишларини ташкил этиш транспорт жараёнларининг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш ва уни амалий қўллаш заруратини кўрсатган.

Диссертациянинг “Манёвр ишларига сарфланадиган вақт ва ёқилги миқдорини ҳисоблашнинг алгоритмлари ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш” деб номланган иккинчи боби поезднинг натур варағи асосида вагонларнинг ҳисобий параметрларини аниқлаш, вагонларнинг ҳаракатига ўртача оғирликдаги солиштирма қаршилиқни, нишабликнинг қаршилигини, манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилги миқдорини ҳисоблашнинг усули, алгоритми ва дастурий воситаларини ишлаб чиқишга бағишланган.

Манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақт миқдорини тортув ҳисоблари орқали аниқлашда вагонларнинг ҳисобий параметрларини тўғри танлаш талаб этилади. Маълумки, ярим рейс бажариладиган вагонлар ҳақидаги маълумот поезднинг натур варағидан олинади. Ammo, ушбу варақда вагонларнинг рақами ва уларга юкланган юк миқдори (нетто) келтирилади, яъни вагонларнинг барча ҳисобий параметрлари кўрсатилмайди.

Тадқиқот жараёнида манёвр ярим рейсларини бажариш учун поезднинг натур варағи асосида вагонларнинг ҳисобий параметрларини аниқлашга доир ЭХМ учун дастур ишлаб чиқилган (2-расм). Дастур вагон рақамидagi ҳар бир соннинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда манёвр таркибининг қуйидаги ҳисобий параметрларини аниқлайди: m – вагонларнинг умумий сони, вагон; Σq_n – вагонлардаги юкнинг умумий (нетто) оғирлиги, т; $\Sigma K_{o,q}$ – вагонларнинг умумий ўқлари сони, ўқ; Σq_t – вагонларнинг умумий (тара) оғирлиги, т; Σl_v – вагонларнинг умумий узунлиги, м; Σq_{br} – вагонларнинг умумий (брутто) оғирлиги, т; $\Sigma \bar{q}_{o,q}$ – вагонлардан ўққа тушаётган ўртача оғирлик, т.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСЧЕТНЫХ ПАРАМЕТРОВ ВАГОНОВ

ОПРЕДЕЛЕНИЕ РАСЧЕТНЫХ ПАРАМЕТРОВ ВАГОНОВ НА ОСНОВЕ НАТУРНОГО ЛИСТА ПОЕЗДА ДЛЯ ВЫПОЛНЕНИЯ МАНЕВРОВЫХ ПОЛУРЕЙСОВ

Конвертировать в Excel

п/п	Номер вагона	Вес груза (нетто) т	Число осей, ось	Вес вагона (тара), т	Длина вагона, м	Общий вес ваго	Нагрузка
1	25477852	60	4	24	14,73	84	21
2	79678520	80	8	51	21,25	131	16,375
3	79475620	74	8	48,8	21,12	122,8	15,35
Итого		214	20	123,8	57,1000000000000	337,8	52,725

Calculate

2-расм. “Манёвр ярим рейсларини бажариш учун поезднинг натур варағи асосида вагонларнинг ҳисобий параметрларини аниқлаш” дастурининг ишчи ойнаси

Ишлаб чиқилган дастур унга вагоннинг рақамини нотўғри киритилишига йўл қўймайди, яъни вагон рақами тегишли қонда асосида текширилади ва у нотўғри киритилганда “бундай рақам мавжуд эмас” ёзуви ишчи ойнада намоён бўлади. Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган дастур орқали вагоннинг техник тавсифларини олишнинг ишончлилиги текширилган. Бунда, дастур орқали олинган вагоннинг техник тавсифлари темир йўл транспортида фойдаланилаётган *Winterm* дастури ҳамда онлайн тарзда донмий равишда янгиланиб туриладиган <https://vagon.by/number/> сайти орқали олинган маълумот асосида таққосланган. Натижада, вагоннинг техник тавсифлари учта ҳолат (*Winterm* дастури, <https://vagon.by/number/> сайти ва ишлаб чиқилган дастур)да ҳам бир хил маълумотларни берган ва бу ишлаб чиқилган дастурнинг ишонччилигини тасдиқлаган.

Манёвр ярим рейсларини бажариш учун поезднинг натур варағи асосида вагонларнинг ҳисобий параметрларини аниқлаш вагонларнинг ҳаракатига ўртача оғирликдаги солиштирма қаршиликни (ω_0'') автоматлаштирилган тарзда ҳисоблаш имконини берган.

Маълумки, магистрал темир йўл станцияларида ω_0'' нинг қийматини ҳисоблаш учун вагонларнинг ҳисобий параметрларини 3 та гуруҳга бўлиб ўрганилади:

- ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 4 ўқли вагонлар;
- ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 8 ўқли вагонлар;
- ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан кичик ва тенг бўлган вагонлар.

Юқоридаги ҳар бир гуруҳ учун вагонларнинг куйидаги 4 та ҳисобий параметрлари аниқланади:

1-гуруҳ учун:

1.1. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 4 ўқли вагонларнинг умумий сони:

$$\Sigma m_{br.4}^{q>6} = COUNTIFS(\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m; "> 6"; K_{o,q}^1; K_{o,q}^m; "4"), \text{ ваг.} \quad (1)$$

1.2. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 4 ўқли вагонларнинг умумий оғирлиги:

$$\Sigma q_{br.4}^{q>6} = SUMPRODUCT((K_{o,q}^1; K_{o,q}^m=4) * (\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m > 6) * q_{br}^1; q_{br}^m), \text{ т.} \quad (2)$$

1.3. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 4 ўқли вагонларнинг умумий ўқлар сони:

$$\Sigma K_{o,q.4}^{q>6} = SUMPRODUCT((K_{o,q}^1; K_{o,q}^m=4) * (\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m > 6) * K_{o,q}^1; K_{o,q}^m), \text{ ўк.} \quad (3)$$

1.4. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 4 ўқли вагонларнинг ўқларига тушаётган ўртача оғирлик:

$$\bar{q}_{br.4}^{q>6} = \frac{\Sigma q_{br.4}^{q>6}}{\Sigma K_{o,q.4}^{q>6}}, \text{ т.} \quad (4)$$

2-гуруҳ учун:

2.1. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 8 ўқли вагонларнинг умумий сони:

$$\Sigma m_{br.8}^{q>6} = COUNTIFS(\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m; "> 6"; K_{o,q}^1; K_{o,q}^m; "8"), \text{ ваг.} \quad (5)$$

2.2. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 8 ўқли вагонларнинг умумий оғирлиги:

$$\Sigma q_{br.8}^{q>6} = SUMPRODUCT((K_{o,q}^1; K_{o,q}^m=8) * (\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m > 6) * q_{br}^1; q_{br}^m), \text{ т.} \quad (6)$$

2.3. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 8 ўқли вагонларнинг умумий ўқлари сони:

$$\Sigma K_{o,q.8}^{q>6} = SUMPRODUCT((K_{o,q}^1; K_{o,q}^m=8) * (\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m > 6) * K_{o,q}^1; K_{o,q}^m), \text{ ўк.} \quad (7)$$

2.4. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан катта бўлган 8 ўқли вагонларнинг ўқларига тушаётган ўртача оғирлик:

$$\bar{q}_{br.8}^{q>6} = \frac{\Sigma q_{br.8}^{q>6}}{\Sigma K_{o,q.8}^{q>6}}, \text{ т.} \quad (8)$$

3-гуруҳ учун:

3.1. Ўққа тушаётган оғирлиги 6 т дан кичик ва тенг бўлган вагонларнинг умумий сони:

$$\Sigma m_{br}^{q \leq 6} = COUNTIFS(\bar{q}_{o,q}^1; \bar{q}_{o,q}^m; "\leq 6"), \text{ ваг.} \quad (9)$$

3.2. Ўққа тушаётган оғирлиги $6 m$ дан кичик ва тенг бўлган вагонларнинг умумий оғирлиги:

$$\Sigma q_{br}^{q \leq 6} = \text{SUMPRODUCT}((\bar{q}_{o'q}^1 \cdot \bar{q}_{o'q}^m \leq 6) * q_{br}^1 : q_{br}^m), \text{ т.} \quad (10)$$

3.3. Ўққа тушаётган оғирлиги $6 m$ дан кичик ва тенг бўлган вагонларнинг умумий ўқлар сони:

$$\Sigma K_{o'q}^{q \leq 6} = \text{SUMPRODUCT}((\bar{q}_{o'q}^1 \cdot \bar{q}_{o'q}^m \leq 6) * K_{o'q}^1 : K_{o'q}^m), \text{ ўқ.} \quad (11)$$

3.4. Ўққа тушаётган оғирлиги $6 m$ дан кичик ва тенг бўлган вагонларнинг ўқларига тушаётган ўртача оғирлик:

$$\bar{q}_{br}^{q \leq 6} = \frac{\Sigma q_{br}^{q \leq 6}}{\Sigma K_{o'q}^{q \leq 6}}, \text{ т.} \quad (12)$$

Ҳар бир u -гурухдаги ($u=1, 2, 3$) вагонларнинг ҳисобий параметрлари асосида манёвр ҳаракат таркибининг ҳар қандай тезлиги (12 учун вагонларнинг ҳаракатидаги асосий солиштирма қаршилик қуйидагича ҳисобланади:

1-гурух учун:

$$\omega_{a.4}^{(q>6)} = 0,7 + \frac{3+0,1 \cdot v+0,0025 \cdot v^2}{\bar{q}_{br.4}^{q>6}}, \text{ Н/кН;} \quad (13)$$

2- гурух учун:

$$\omega_{a.8}^{(q>6)} = 0,7 + \frac{6+0,038 \cdot v+0,0021 \cdot v^2}{\bar{q}_{br.8}^{q>6}}, \text{ Н/кН;} \quad (14)$$

3- гурух учун:

$$\omega_a^{(q \leq 6)} = 1,0 + 0,044 \cdot v + 0,00024 \cdot v^2, \text{ Н/кН} \quad (15)$$

Шундай қилиб, вагонларнинг ҳаракатидаги ўртача оғирликдаги асосий солиштирма қаршилик қуйидаги ифода асосида аниқланади:

$$\omega_a'' = \frac{\omega_{a.4}^{(q>6)} \cdot \Sigma q_{br.4}^{q>6} + \omega_{a.8}^{(q>6)} \cdot \Sigma q_{br.8}^{q>6} + \omega_a^{(q \leq 6)} \cdot \Sigma q_{br}^{q \leq 6}}{\Sigma q_{br}}, \text{ Н/кН.} \quad (16)$$

Юқорида келтирилган ифода ва шартлар асосида манёвр ярим рейслари бажарилишида иштирок этадиган вагон(лар)нинг ҳисобий параметрларини аниқлаш тортув ҳисобларини бажаришда вагонларнинг ҳаракатига ўртача оғирликдаги асосий солиштирма қаршиликни тўғри ҳисоблаш имконини берган.

Манёвр ишлари турли нишабликдаги йўлда бажарилганда манёвр таркибининг ҳаракатига нишабликнинг қаршилигини ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган. Бунда нишабликнинг қиймати йўлнинг функцияси сифатида қуйидагича аниқланади

$$i(s) = \begin{cases} 0, & 0 < s < L_j; \\ i_j, & L_j < s < L_{j+1}. \end{cases} \quad (17)$$

Йўл профилининг тавсифлари қуйидаги иккита параметр орқали аниқланади:

- горизонтал чизик бўйлаб йўл узунлигининг проекцияси L_j ;
- тегишли нишабликнинг қиймати i_j .

Ҳар бир йўл профилининг боши ва охириги координаталарини белгилаш асосида ҳар қандай нуктанинг координатаси қуйидаги функция орқали аниқланади:

$$i = \begin{cases} i_1, \text{ агар } 0 < S < L_1; \\ i_2, \text{ агар } L_1 < S < L_2; \\ \dots \dots \dots \dots \dots \dots \\ i_n, \text{ агар } L_{n-1} < S < L_n. \end{cases} \quad (18)$$

Локомотив марказининг координата бошидан қанча масофада жойлашганлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$S_L = S_{\Pi i} + \sum_{j=1}^{n/2} l_{Bj} + \frac{L_n}{2}, \text{ м.} \quad (19)$$

k -вагон марказининг координата бошидан қанча масофада жойлашганлиги қуйидагича ҳисобланади:

$$S_K^B = S_L - \sum_{j=1}^{n-K} l_{Bj}, \text{ м.} \quad (20)$$

Манёвр таркибининг ҳаракатига нишабликнинг қаршиги ҳар бир нишаблик қийматини унга тўғри келаётган оғирликка кўпайтириш орқали қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{ниш.}}^B = \sum_{j=1}^m m_{Bj} \cdot i_j, \text{ Н.} \quad (21)$$

Локомотивнинг ҳаракатига нишабликнинг қаршиги мос нишаблик қийматини локомотив оғирлигига кўпайтириш орқали қуйидагича аниқланади:

$$W_{\text{укл.}}^L = m_L \cdot i_L, \text{ Н.} \quad (22)$$

Натижада, манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақтни аниқлаш усули вагонларнинг ҳисобий параметрларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат таркибининг ҳаракатига солиштирма қаршилиқ ва нишабликнинг қаршилиги таъсирини тўғри ҳисобга олиб такомиллаштирилган. Булар асосида, манёвр ярим рейсларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилғи миқдорини ҳисоблаш учун дастур ишлаб чиқилган. Ушбу дастурдан <https://trainresapp.netlify.app/> сайти орқали фойдаланиш мумкин. Дастурдаги бошланғич маълумотларни <http://trainresapp.herokuapp.com/admin/> хаволаси орқали маъмурият рухсати билан янгилаш мумкин.

Диссертациянинг **“Манёвр ишларини меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва амалий қўллалаш”** деб номланган учинчи боби режалаштирилаётган ишлари ҳажмидан келиб чиққан ҳолда манёвр локомотивларининг сонини автоматлаштирилган тарзда ҳисоблаш учун дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш, манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёқилғи миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизими яратиш ва уни тажрибада синашга бағишланган.

Темир йўл станцияларида ҳар бир манёвр ярим рейсни бажаришга сарфланадиган умумий вақт (T_{yar}) манёвр таркибининг юриш вақти (T_{yur}) ва қўшимча амалларни бажаришга сарфланадиган вақтдан (T_q) ташкил топади:

$$T_{\text{yar}} = T_{\text{yur}} + T_q, \text{ дак.} \quad (23)$$

Бунда T_{yur} ва унга сарфланадиган ёкилги миқдори (G_{yur}) 2-бобда ишлаб чиқилган дастурдан фойдаланган ҳолда тортиш ҳисоблари асосида аниқланган. T_q нинг миқдори манёвр таркибига вагонларни улаш, ундан узиш каби бир нечта технологик амалларга сарфланадиган вақтлар йиғиндисидан ташкил топади. Тадқиқот жараёнида манёвр таркибига вагонларни улаш ва узишга сарфланадиган вақт миқдорини аниқлаш учун дастур ишлаб чиқилган.

Манёвр локомотивининг қўшимча амалларни бажаришда сарфланадиган ёкилги миқдори (G_q) унинг техник тавсифидан олинади. Масалан, ТЭМ-2 русумли манёвр локомотиви қўшимча амалларни бажаришда бир соатда 6 кг ёкилги сарфлаши белгиланган. Ҳар бир манёвр ярим рейсни бажаришга сарфланадиган ёкилгининг умумий миқдори (G_{yur}) қуйидагича аниқланади:

$$G_{yur} = G_{yur} + G_q, \text{ кг.} \quad (24)$$

Бунда муайян станцияга тааллуқли бўлган манёвр ишларини бажаришга доир зарурий қўшимча кўрсатмаларни “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ темир йўл станцияларининг техникавий-бошқарув далолатномасини тузиш бўйича Йўриқнома” асосида тузилган тегишли станциянинг техникавий-бошқарув далолатномасидан олинади. Диссертация муаллифи мазкур ҳужжатни қайта ишлаб чиқишда иштирок этди ва муаллиф томонидан ишлаб чиқилган янги зарурий қўшимча кўрсатмалар ушбу Йўриқноманинг 3-боби ҳамда иловасига киритилган.

Тадқиқот жараёнида темир йўл станциялари йўл хусусиятлари, таркиб огирлиги, иқлим шароитлари ва локомотив туридан келиб чиққан ҳолда манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёкилги миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизими яратилган, ушбу тизимнинг ишчи ойнаси 3-расмда кўрсатилган.

Автоматизируемая система индивидуального меъёрлашнинг функциональные возможности в области составления и расчета техни...

Файл: Справка

Характеристика объекта

Добавить строку | Удалить строку

№ п/п | Код объекта | Объект

Характеристика маневрового локомотива

Добавить строку | Удалить строку

№ п/п | Код локомотива | Локомотива | Примечание

Характеристика маневровой работы

Добавить строку | Удалить строку

№ п/п | Код работы | Наименование работы

Характеристика маневровой бригады

Добавить строку | Удалить строку

№ табеля | Фамилия | Имя | Отчество

Экспорт в Excel

Рассчитать эффективность выполнения маневровой работы в разное время суток

Очистить | Архивировать

Код	Наименование объекта	Код	Наименование локомотива	Время движения без вагонов, с	Время движения с вагоном, с	Расход топлива без вагонов, кг	Расход топлива с вагоном, кг
1	A	3	T	200		2,10	
1	A	4	T	220		2,30	
1	A	5	T	210		2,20	
1	A	9	T	215		2,21	

Система индивидуального меъёрлашнинг асосий параметрлари:

Гарабачи: Арслан Назаров Мукарромович,
Султонали Шайхатов Маъмурович,
Худайберди Биромов тўғрисида,
Худайберди Ҳасанов Умарович тўғрисида.

3-расм. Манёвр ишларини бажаришга сарфланадиган вақт ва ёкилги миқдорини индивидуал меъёрлашнинг автоматлаштирилган тизимининг ишчи ойнаси

